
Авфон маҳалласига қарашли Қосим Авфон кўчасидаги 600 метр йўл асфальтланади

Ўзбекистон туманининг Авфон МФЙ Қосим Авфон кўчасидаги 600 метр йўлга асфальт ётқизилади.

Бу эзгу мақсадга Олий Мажлис Сенати аъзоси Манзурахон Салимованинг тумандаги ўрганишлари давомида келишилди.

Сенатор мазкур маҳаллада бўлиб, айнан ушбу масала юзасидан маҳалла аҳли билан суҳбатлашди.

Кўчанинг асфальт қилинишига туман ҳокимлиги ва ҳомийлар маблағлари йўналтириладиган бўлди.

Сенаторнинг ҳудуддаги ўрганишлари давомида унга туман ҳокимининг sanoatни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Шерзодбек Исмоилов ҳамроҳлик қилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-05-08 00:03:34